

Адабиётшунос олимларимиз-мунаққидларимиз Абдулла Кодирий, Чўлпон, Элбек, Усмон Носирнинг ноёб қобилиятлари ва ўлмас асарлари ҳақида авлодларимиз учун жуда қимматли маълумотларни ёритмоқдалар. Бунинг учун уларга ҳар қанча таҳсин ўқисак-да, озлик қилади. Лекин биз адабларимизни инсон сифатида нечоғлик биламиз? Мен ўз сўзимда у зоти-шарифларнинг баъзи фазилатлари ҳақида гапирмоқчиман.

Абдулла Кодирий бағри кенг, садокатли, халқимизга ўта меҳрибон, барқамол, ҳожатбарор, чин инсон эдилар.

У зотнинг ўзлари меҳмон қақришни яхши кўрсалар-да, шохона зиёфатларга боришни, тантанали мажлисларда иштирок этишни ва баландпарвоз гапларни тинглашни ёқтирмас эдилар. Машҳур ёзувчимиз кишилар бойлиги ва лавозимини писанд этмай, факат одамийлигига қараб муомала қилардилар.

Дўстларининг ақсарияти адабиёт, дин арбоблари, ишчилар, дехқонлар, қосиблар, кўнчилар ва бошқа қасбдаги шинаванда чапанилар эди. Ўзларида ҳам сезиларли даражада чапанлик бор эди. Машҳур боғбон Иноғомжон ота билан яқин муносабатда бўлганига қўп бор шохидман. Боғ парвариши ҳадисини у кишидан олган бўлсалар ажабмас.

Абдулла Кодирийнинг топиш-тутишлари яхши, қўллари ҳамиша очик, саҳий эди, шунданми турмушлари ҳам ўртача кечар эди.

1933 йили мамлакатда очарчилик ва қаҳатчилик юз берди. Мен ёзги таътилга чиқиб, Москвадан Тошкентга келдим ва ўша қуниёқ Абдулла Кодирийни кўргани уйларига бордим. У киши қопчик қўтариб дарвозаларидан энди чиққан эканлар. Мени кўриши ҳамоно қопчикни ерга қўйиб:

— Э, қадаминг қутлуг бўлсин, қанчадан бери соғиниб юрган эдим. Кел, жигарим, — дея мен билан қучоқлашиб кўришдилар (авваллари қўл бериб кўришардилар). — Қани, ичкарига юр!

Мени шийпонга бошладилар, қой устида хол-аҳвол сўрашдик. Чўлпонни суриштирдилар. Мен Чўлпон бериб юборган икки бўлак ширин қулча (печенье) ва мактубни бердим.

Мактубни ўқигач, узок хўрсиндилар-да:

— Чўлпоннинг ўз таъбири бўйича айтсам: «факат мажнун бўлиб элни севаман», деганлар учун гурбатда яшаш оғирлик қилади, — дея хатни менга узатдилар.

Мактуб мазмуни ниҳоятда гағгин бўлиб, унинг ниҳоясида қуйидаги тўртлик ҳам ёзилган экан:

Ватандан дарбадар бўлдим, гағрибман, ошиёним йўқ,

Паришон холимни сўргучи руҳи равоним йўқ.

Тирикман, ўлмаганман, лекин инсонликда соним йўқ,

Агар қатл этсалар, девона Машрабдек тавоним йўқ.

— Сен бунда дам олиб ёт. Уйда егулигимиз охиқлаб қолибди, мен бултурги ҳосилдан қолган макқани ун қилдириб қайтаман, сўнг мазза қилиб гурунглашамиз, — дедилар.

Мен унамадим. Бирга Чуқурқўприқдаги Маҳмуд Сарикнинг теғирмониға бориб, ун қилиб қайтдик. Ўша бир пуд қамасидаги ундан тўрт қоса унни олиб, тўрт қўшнисиникиға қикариб юбордилар.

— Нима қияпсиз? — деб хайрон бўлиб сўрадим.

— Бу қўшнилариға берилаётган қафсан, — дедилар.

— Унда менға берадиган қафсанингиз қани? — дедим ҳазил аралаш.

— Сен кафсанга мухтож эмассан-да.

— Мен берган кафсанингиз савобига мухтожман, — дедим.

— Ха, майли, савобига сен шерик бўлакол, — деб жилмайиб кўйдилар. Хулоса килиб айтганда, бундаин саховат, олийжаноблик, бундаин чин одамийлик хар кимнинг хам кўлидан келавермайди, айникса, очарчилик йилларида! Айнан шундай ноёб фазилатлари учун Абдулла Кодирийни тугишган акамдан кўра зиёдрок хурматлар эдим. ...1936 йилнинг ёз кунларидан бирида, Абдулла Кодирий бир болага мени зудлик билан айтиб кел, деб тайинлаб юборибдилар. Тезда уйларига етиб борсам, ёлғиз ўзлари шийпонда чой ичиб ўтирган эканлар.

— Хайриятки уйда экансан, зап вақтида етиб келдинг. Энди, гап бундок, иним. Чойдан сўнг тайёргарлик кўрамиз. Кечга мехмонлар келишади.

У кишининг мехмондўст одам эканлигини билардим. Рўзгорбоплиги хам хавас килса арзигулик эди. Аммо мехмон кутишда асло исрофгарчиликка йўл кўймасди.

Хаял ўтмай эшикдан кўркам, салобатли бир киши кириб келиб, Абдулла Кодирий у билан хазил-мутойиба килишганча, кучоклашиб кўришдилар. Сўнг мени:

— Бу йигит менинг тутинган иним, Москвада ўқийди, таътилга келган, — дея таништирдилар.

Чойдан сўнг Абдулла Кодирий кўргончага кириб, хадеганда кайтиб чиқавермадилар. Бу орада мен мехмон билан гаплашиб ўтирдим. Мехмон Нихоятда сўзга чечан экан. Мен ийманиброк турдим. Мехмон мени кайси институтда ўқишимни сўраб билгач: «Ха, мен сизни гойибона танийман, сиз иккинчи курсни битириб, учинчи курсга ўтдингиз.

Шундайми?» деди. Бу хам етмагандек, Москвада талабаларнинг кайси институтда, кайси курсда таълим олаётганини хам янглишмай айтиб берди. Мен ханг-манг бўлиб колдим. Шу аснода Абдулла Кодирий бир лаганда кўрада пиширилган дунбул жўхорини олиб чикиб, ўртага кўйдилар. Зўр иштаха билан едик, ундан сўнг мошхўрда олиб чикдилар. Мехмон мошхўрдани мактай-мактай биз билан бирга тановул килди. Сўнг Кодирийдан изн сўраб, хайрлашди, биз кузатиб колдик. Мен Абдулла Кодирийга бу ўртогингиз фолбинми дедим-да, у киши билан бўлган сухбатимизни сўзлаб бердим.

— Бу мехмон Москвада, Миллатлар халк комиссарлигининг юкори лавозимида кўп йиллар ишлаган Абдулхай Тожиев деган киши. Жуда зийрак, хотираси зўр, акли расо, дилкаш, бутун умрини халкимиз, ватанимиз равнаки йўлига тиккан, юрт бойлиги, мунавварлиги учун жонини аямайдиган одам, — дедилар.—У хозир Тошкент шаҳар ижроия кўмитасига раис килиб тайинланган. Келгусида Файзулла Хўжаев ўрнига ўтса хам ажаб эмас.

Мен, Абдулла Кодирийнинг Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев билан якин дўст бўлганларини сезардим, лекин улар тўгрисида хеч нарса гапирмас эдилар. Негадир шу дамда жуда очилиб кетдилар шекилли: «Хўб, яхши рахбарларимиз бор», деб яна бир воқеани гапириб бердилар.

— Якинда Акмал Икромов мени чакириб, «Ўтган кунлар» романингизни кайта нашр килсак, шу шарт биланки, сиз Юсуфбек хожининг руслар улуг ёвимиз, деган жойини хамда Отабекнинг русларга карши жангларда халок бўлгани каби ўринларини тахрирдан ўтказсангиз, сизга ўттиз минг сўм берар эдик, деди. Мен агар сиз айтган ўринлар олиб ташланса, роман романликдан чикиб, сарик чакалик хам киммати колмайди, деб жавоб килдим. Акмал Икромов фикримга кўшилди.

Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва Абдулхай Тожиев сингариларни аксилинкилобчи, миллатчи ташкилотларнинг аъзолари деб кораладилар. Халк дўстларини — халк

душманлари дея бадном килиб отиб ташлаган замон, ахир кандайин замон? Сталин замонасининг конхўрлик кирдикорлари халкимиз юрагида битмас-туганмас жароҳат бўлиб колди.

Кечки пайт Гулом Зафарий, Гоzi Юнус, Чўлпон, Элбек, Ойбек, Гафур Гулом, Гайратий, Санжар Сиддик, Юсуф Латиф ва Собир Абдулла кириб келишди. Шийпонда ўтириб курган сухбатимиз аста-секин кизий борди. Чўлпон йигилганларга карата:

— Эй, менинг майпараст дўстларим! Мана, майхонага жам бўлдик. Ихтиёрни сокийга берамиз. Май сокийдан, сархушлик биздан, — деб Гулом Зафарийга таъзим килди. Чўлпон шийпонни майхона, сухбатни май, йигилганларни майпарастлар, мажлис бошлигини сокий, деб ўхшатиш килган эди. Сухбат Гафур Гулом, Гайратий, Собир Абдулла ва Элбек шеърларини ўкиш билан бошланди. Сўнгра Собир Абдулла халкимиз рухига сингишимли бўлган аруз вазнида шеърлар ёзишни кенг тарғиб килиш кераклигини таъкидлади.

Юнус Латиф янги усулда шеър ёзиш хозирги замонамизга мос тушади, аруз вазни эскириб колди, деб эътироз билдирди. Гоzi Юнус, Юнус Латифни каттик танқид килди. Абдулла Кодирий билан Гоzi Юнус бир-бирларига карама-карши мақолалар ёзишса ҳам, аслида ҳар иккови бир-бирига меҳрибон кишилар эдилар.

Абдулла Кодирий ҳам Гоzi Юнуснинг фикр-мулоҳазаларига юз фоиз кўшилиб. Юнус Латифнинг хатб йўлдан бораётганини айтди ва Гоzi Юнусдан сабоқ олишга ундади. Чўлпон Навоий даврида Хирот шоирлар масканига айланганлигини завқ билан гапирди. Бизда ҳам зўр истеъдодли шоир, ёзувчилар етишиб чиқишига аминлигини изҳор этди. Нихоят, Усмон Носир ижодига тўхталиб, замонамизнинг етук шоири, деб баҳолади ва унинг шеърларидан айримларини ўкиб, бу шоирга тан берса бўлади, деди.

Таржима соҳасининг билимдони, журналист Санжар Сиддикнинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан тинглаб, ҳаммалари ундан мамнун бўлдилар, ўтириш ниҳоясида Гулом Зафарий:

— Хозирги вақтда ижодкорларимиз биров бўлса-да, енгил нафас ола бошладилар. Ёзажак асарларимизни тилдан эмас, дилдан ёзайлик. Муросаи мадора деб, буюртма асар ёзишни бас килайлик, — дея Абдулла Кодирийнинг «Обид кетмон» асари ва Чўлпоннинг айрим шеърларини танқид килди.

Абдулла Кодирий билан Чўлпон Гулом Зафарий фикрига кўшилдилар шекилли, унга ҳеч қандай эътироз билдирмадилар.

Абдулла Кодирий йигилганларга миннатдорчилик билдириб, келтирилган овқатга ундади. Овқатдан сўнг яхши ниятлар тилаб тарқалишди. Абдулла Кодирий ҳар йили, ёзнинг айни пишиқчилик палласида диний арбоб, арабшунос Заҳриддин Аълам, бедилшунос Аловиддин махсум, навоийшунос Нодирхон махсум ва кекса авлодга мансуб бўлган шоирлардан Тавалло, Хислат, Мискин, Тошкин ва шу каби яқин биродарларини меҳмонга чақириб тарих, тиббиёт, мантиска оид масалалар ҳақида сухбатлашардилар. Заҳриддин Аълам Мухаммад пайгамбар ҳадисларини, Саҳих Бухорий ва ат-Термизий асарларини муҳокама қилар, Аловиддин махсум ва Нодирхон махсум Бедилу Алишер Навоий асарларини, улардаги ислом динига тааллуқли жойларини ўкиб тафсил қилишарди. Халкимиз тарихини пухта билган адиб диний урф-одатларга ҳурмат билан ёндашарди. Аммо бидъату хурофот билан асло, чиқиша олмасди. Адибнинг бу фазилати асарлари қахрамонлари табиатига ҳам кўчган.

Менинг мазкур соҳадаги маълумотим оз бўлганлиги учун сукут саклаб тинглардим. Абдулла Кодирий эса, улар билан бемалол бахслашар ва баъзан ўзининг

билимдонлигидан дўстларининг олқишларига ҳам сазовор бўлар эди. Уларга дастёрчилик килишдаги нозик хатти-харакатларни Абдулла Кодирийдан унча-мунча ўрганган бўлсам-да, мавлоноларга бекаму кўст хизмат кўрсатиш менга хийлагина оғир кўчар эди. Чунки Абдулла Кодирий хар бир суҳбатга бутун вужуди билан берилиб, меҳмонларни қай тарика кутишни тамомила менинг ихтиёримига ташлаб кўярдилар. Уларнинг йигилишлари жума куни эрта билан бошланиб, шом намозидан сўнг тугар эди. Намозларини ҳам шийпонда ўқишар эди. Шу аснода бир нарса эсимга тушиб қолди. Мўминжон Мухамаджон ўгли Тошқинни дўстлари орқаворатдан Мўмин кофир дейишар эди, бир гал у кишиям намоз ўқигани гувоҳи бўлганман. Унга Абдулла Кодирийнинг даъватлари қор қилган бўлса ажабмас.

...1937 йилнинг охирида Тошкентга келсам, юрт алгов-далгов. Кама-кама авжга минган экан. Махалламизда Миромил деган дўстим бор эди, у менга: «Сени уч-тўрт марта сиёсий идора ходимлари сўраб келишди. Мен ва махалла фаоллари сенинг бу ерда эмаслигингни айтганимиздан сўнг, мабодо келиб қолгудай бўлсанг, уларга хабар килишимиз тўғрисида тилхат олиб кетишди. Сен ҳеч қимга кўринмай шу бугунок Тошкентдан чиқиб кет», деди. Мен ўша захотиёк Мирзачўлнинг овлоқ бир қишлоғида яшайдиган танишимни қора тортиб, Тошкентдан чиқиб кетдим ва ўша ердаги бошланғич мактабда ўқитувчилик қилдим. Нихоят, эл-юрт бир оз тинчигач, яна Тошкентга қайтиб келдим. Сочимни тақир олдириб, қийим-бошларимни ҳам ўзгартириб, муллавачча сифат ўқитувчи бўлиб ишлаб юрдим. Шу-шу Кодирий хазратларини бошқа кўрмадим.

Мен, Абдулла Кодирий ҳақида ўйласам, дарҳол Чўлпон кўз ўнгимда гавдаланади. Назаримда, уларнинг маслаклари ҳам, қаро тақдирлари ҳам бир-бирига эгизакдек: хар иккисининг азиз бошлари тухмат ва маломат тошларига нишон бўлди. Мумтоз қаламқашларга гаразғўй, имонсиз, виждонсиз қимсалар тегиб ўтдилар, тегмаганлари қесак отиб ўтдилар. Илондан кўрккан ола арқондан чўчийди, деганларидек ҳозирги кунда ҳам Чўлпон ижодини холисона талқин этишдан чўчийдиганлар орамизда йўқ эмас. 20—30-йилларда ҳақ ва ҳақиқат кўзига тик қараб Чўлпоннинг бетакрор қобилият соҳиби экани, асарлари, айниқса бадиий жиҳатдан юксаклигини ошқора айтган диёнатли олим-мунаққидларимиздан Абдулла Авлоний, Вадуд Махмуднинг фикр-мулоҳазалари бу кунларда ўз ифодасини топди, деб баралла айта оламиз. Унинг асарлари халқимиз дилига Чўлпон — тонг юлдузидек нур сочиб турибди.

Мен Чўлпон билан 1929 йили танишган бўлсам-да, 1932—1935 йиллари Москвада ўқиб юрганамизда у билан дўстлашиб: қолган эдим. Хафтада икки-уч марта кўришиб, эзилиб-ёйилиб суҳбатлашардик.

Чўлпон оддий қийингани билан салобатли кўринарди, қадди-қомати келишган, теран фикрлайдиган зўр қаламқаш сифатида танилган эса-да, мен билан сирдош эди, хуш муомалада бўларди. Чўлпоннинг унча-мунча санъаткорлик қобилияти ҳам бор эди. Чўлпон менга «Гамлет» асари таржимасини ўқиб берган ва Хамза номидаги академик драма театрининг қайси актёри қайси ролни ижро эта олишини айтган эди. Мен Тошкентга келиб «Гамлет»ни кўргач, Чўлпоннинг дидига қойил бўлдим. Чўлпон ўзининг «Қаландар ишки», «Галдир» деган шеърларига ўзи қуй басталаган эди. Хонандаликдан ҳам бироз хабари бор эди. Ўзаро суҳбатларимиз асносида паст пардада, айниқса, «Шашмаком»дан хиргойи қилишардик. Аммо гурунгимизнинг кўпроқ қисми шеърят бобида кетарди.

Бир суҳбатда Чўлпон менга:

Вафо расмин билиб билмазлига солмоқда жононим,
Жафо расмин килиб килмазлига солмоқда хоконим, —
деб бошланадиган шеърини ўқиб берди. Шубхасиз, шеърдаги хокон золим Сталин эди. Чўлпон Сталин сиёсатидан зорланиб ёзган шеърларини менга ўқиб берар ва дархол йиртиб, ёқиб юборарди. Сўнг дафтар хошиясига «бу шеърнинг мазмунини оловлардан сўра!» деган жумлани ёзиб кўярди. У, Абдулла Кодирий билан бир каторда Абдулла Алавий билан ҳам жуда яқин сирдош-дўст эди, шу боисдан, унинг бевакт вафоти шоирга хаддан ташқари огир мусибат келтирди.

Чўлпон Абдулла Алавий вафотидан сўнг ҳам унинг онаси ва жияни Музайяна Алавия билан хат орқали мунтазам алоқада бўлиб турди. Кунлардан бирида ўглининг вафотига бағишлаб онаси ёзган марсияга Чўлпон мухаммас боғлаб, менга ўқиб берган эди.

Тўхтасин Жалолов ўзининг «Ўзбек шоирлари» деган китобида мухаммасни Абдулла Алавийнинг онаси ёзган дея эълон қилибди. Мен бундан хайрон қолиб, у кишига:
— Домла, бу мухаммас Чўлпонники-ку, нега уни инкор этдингиз, ахир!

Чўлпон қошида ой эди, юлдуз эди, у бир

Шўрлик она хар канча қуйиб йигласа арзир, —

деган жойини Чўлпон эмас, «дўстлар» деб босмага берибсиз!—дедим.

— Ука! Чўлпон номини тилга олсам мухаммас босилмас эди, — деди у киши.

— Барибир бу ишингиз яхши эмас, — дедим-да, хайр-маъзурни насиё қилиб кетди.

Менда мухаммаснинг асл нусхаси бўлмагач, шу кунгача сукут саклаб юрдим. Хайриятки,

Чўлпоннинг жиянида ўша шеърнинг асл нусхаси бор экан, у матбуотда эълон қилди.

Энди хассос шоирнинг матбуотда босилмаган, аммо халқ қулоғига етиб борган икки шеъри хусусида тўхталмоқчиман.

— Мен Ҳамза номидаги академик театрида адабий эмакдош эдим. Театр ахли билан пахтакорларга концерт бериш учун қолхозга чиқдик. Вақтдан фойдаланиб, мен дехқонлар билан суҳбат қурдим. Улар, огир меҳнатимиз эвазига етиштирадиган пахтамиксга оз ҳақ тўлайди, шунинг учун турмушимиз ниҳоятда ночор, деб менга шикоят қилишди. Шунда уларни фикрига ҳамоҳанг мана бу шеърни ёзган эдим, — деб Чўлпон менга қуйидаги шеърни ўқиб берди:

Пахтажон,

пахта пахтаки

махта олувчи айгир,

сотувчи ахта.

— Санъаткорлар билан Свердлов номидаги театр биносида делегатларга томоша кўрсатиш учун бордик. Мажлис чўзилиб, артистлар зерикиб қолишган эди. Шунда мен ерда ётган «Эпоха» папиросининг бўш қутисига мана бу:

Бундай «Эпохани чекиб тугатинг!

Куллари кўкларга соврилиб кетсун.

Бу, туткин эзилган ўзбек боласи

Оловсиз, тутунсиз кунларга етсун!

шеърини ёзиб, уларни хушлаш учун ўқиган эдим. Бу икки шеър учун бошимда

сон-саноксиз қалтаклар синган, — деди шоир хўрсиниб. Кизикканлигимни аниқлаган шоир, давом этди:

— Бир куни мени Москвадаги Ўзбекистон ваколатхонасига чақириб, Файзулла Хўжаев раислигида ўртоқлик суди қилишди. Москвадаги коммунистлар университетининг бир талабаси, айниқса, «Эпоха»га ёзган шеъримни қаттиқ қоралади, Ниҳоят, менга сўз

берилгач; «Шеърни папирос кутисига «Эпоха» номи кўйилганига норози бўлиб ёзган эдим», деб Файзулла Хўжаевга юзландим. «Сиз хамда ўрток Охунбобоёвнинг номи ва сувратларингиз туширилган папиросларни кашандалар: Файзулла Хўжаев 5 тийин, Охунбобоев 4 тийин, деб кўчаю бозорда бакириб-чакириб юрибдилар. Менинг бир айбим бор, у хам бўлса Ўзбекистонда тугилганим», дедим. Суд менга огохлантириш берди. Суддан сўнг Файзулла Хўжаев ёнимга келиб: «Сиз бу ишимиз учун ранжиманг! Мен сиз тўгрингизда уюштирилган шафкатсиз хужумларни юмшатиш учун бир тадбир тарикасида, бу ўртоклик судини шахсан ўзим уюштирган эдим», дея кўнглимни кўтариб кўйди. Шундан сўнг Чўлпоннинг Ўзбекистонга кайтишига йўл очилган бўлса ажаб эмас. 1933 йили Москвадаги Катта театр филиалида Лермонтовнинг «Демон» асари асосида кўйилган операни Чўлпон билан бирга томоша килдик. Шунда Чўлпон менга «Демонини таржима этиш нияти борлигини айтган эди. Бир гал Чўлпондан:

— «Демон»ни таржимаси нима бўлди, — деб сўрадим.

— «Демон»ни Усмон Носир шундайин киёмига келтириб таржима килибдики, ўкиб бошим кўкка етди. Хохласанг сен хам ўкиб кўр! — деб таржимани кўлимга тутказди.

Чўлпон Шекспир ва Рабиндранат Тагор рухиятини яхши тушунгани каби Усмон Носир хам Лермонтов асари руhini пухта ўзлаштириб, Лермонтов бўлиб ўзбекчага ўгирган экан. 1931 йили Чўлпон тўгрисида дўстларидан бирининг маколasi матбуотда босилган эди. Унда Чўлпоннинг ижодига, қобилиятига, услубига юкори бахо берилган, ammo макола охирида Чўлпонни нохак коралаган эди. Шунда Чўлпон менга маколани ўкиб бериб:

— Тош бўронларга бардош бериб келаётган шўрлик бошимга бу хам кесак ёғдирибди, — дедида, Фузулийнинг:

Мени расволигимда дўстлар таън этди, душман хам,
Бу етмазмики, бир дард орттурурсан дардима сан хам,—
деган шеърини ўкиб, чукур ух тортган эди.

Чўлпон хар канча тушкунликка тушса хам, халкка суянарди. Шунинг учун хам ўқтин-ўқтин «хўб яхши хислатларга бой бўлган ажойиб халким бор», деб фахрланиб кўярди.

Дарвоқе, Чўлпон Фузулий шеъриятининг чин ошиқларидан эди. Унинг халк орасида Навоий каби машхурлигини эътироф этиб, «Фузулийнинг пичинглари» деган бир маколasiда ўзининг фикрларини билдирган эди. «Мен ўйлайманки, турк тилида ёзган ва биз билган (ўзбекларга танилган) классик шоирлар орасида Фузулий ўзининг самимийлиги, куйуб, кўнглидан олиб ёзиши билан алохида ўрин тутади. Фузулий газалларининг самимийлиги, ёниклиги ва оташинлигини унинг ижоди хакида ёзганлар бир огиздан деярлик тасдиқ киладилар. Лекин мен унинг шу ёниклиги ва оташинлигини янада олдинга кўймоқчиман. Фузулийдан гапирганда, унинг дард-аламидан, унинг чанги осмонга чиқишидан, чукур маъноларга эга бўлган фалсафий нолишларидан бўрттириброк гапириш лозим келади. Мана тўрт йўл нарсасини (рубойисини) кўринг:

Хар дамки бахор килди оройиши бог,
Новмидлик урди лолаваш багрима дог,
Зеро тикон узра дутди булбул маскан,
Гул бод гузар чохида ёндирди чирог.

(Кўклам богларни ясантиришга бошлаган чокларда, хамма вақт бир умидсизлик келиб менинг кўксимга лоланики сингари дог уради. Нега десангиз, булбул ўз масканини тиконлар орасига куради-ю, гул бориб ўз чирогини шамол ўтадиган йўлда ёндиради.)

Идеалист фалсафа тарафдорлари, айникса билимдон мутасаввуфлар нима деса десинлар, бу тўрт йўлдаги шикоят, ўз даврига кўра, дунёнинг текиссизлигидан килинган

шикоятдир».

Хассос шоир ҳам Абдулла Кодирий каби йигинларда айтадиган фикр-мулохазаларини ақл торозусида ўлчаб, сўнг мухокамага ташлар эди. Аксари холларда хар канча каршилиқлар бўлса-да, ўз фикрида собит колар, пировардида билдирган фикри тасдиқланар эди. Тахминан 1938 йилнинг охирлари эди. Кариндошларни кўргани Тошкентга келган эдим. Ўша куниёк кайтиш учун кечки пайт вокзалга яёв кетаётганимда Горький номидаги истирохат боги олдида Чўлпоннинг аёлини учратиб колдим. Катя мени кўргач, холирок жойдаги ўриндикка бориб ўтирди. Мен бориб сўрашдим. У, мандан:

— Акангни камалганидан хабаринг борми? — деб сўради.

— Хабарим бор, бирок уйингга бориб, холингни сўрашга ботина олмадим,— дедим мен.

— Яхши килгансан, бизникига борганларнинг хаммасини таъкибга олишди. Хатто бизга сут келтириб берадиган оддий аёлни ҳам олиб бориб сўрок килишибди. Хуллас, аканг тухмат-бўхтонлар балосига гирифтор бўлди. Мени ҳам неча бор сўроқка чакиришди. Мен, эримга кўйилган айбларнинг барчаси ёлгон-уйдирма, унинг хеч кандай айби йўк, деб хак гапни кайта-кайта такрорласам-да, ишонишмади, — дея камалиш воқеасини сўзлаб берди. — Бир куни Чўлпон кечаси соат ўн иккиларда уйга кайтди, кайфияти жуда тушкун эди. Мен овқатини олдига кўйиб, дам олгани нарига хонага кириб кетдим. Бир ухлаб, тахминан кечаси соат уч-тўртларда турсам, у кўйиб кетган овқатимни халигача емай хаёл суриб ўтирган экан. Мен: «Тинчликми?» деб сўрадим. У: «Мени бир неча ёзувчию шоирлар тўгрисида уюштирган уйдирма айбларга гувоҳ тарикасида НКВДга чакиришган экан. Сиз фалончи-фалончилар хакидаги фикрларимизни кувватлаб гувоҳлик берсангиз, сизни биз мудрофаа киламиз. Сиз хамма вақт озодликда бўласиз! Акс холда устингиздан жиной иш бошлашга тўгри келади. Сизни осмонга кўтариш хам, ерга киргизиб юбориш хам кўлимиздан келади, дейишди. Мен, хатто душманимни хам коралаш учун сохта гувоҳлик беришдан хазар киламан, гуноҳсизларни гуноҳкор этиш сизларнинг кўлингиздан келади. Аммо мен бундай кила олмайман, чунки менда имон бор, менда виждон бор, дедим. Майли, ихтиёр ўзингизда, биздан хафа бўлманг, деб мени бўшатиб юбордилар, деди. Орадан уч кун ўтгач, Чўлпонни камаб кўйишди.

Менинг узок кишлокка кетиш фикрим Катяга хам маъкул тушди.

— Балки бир-биримиз билан умрбод кўришмасмиз. Факат бир-биримиздан рози бўлайлик, — деб йиглай-йиглай хайрлашдик.

Элбекнинг Гулом Зафарий, Абдулла Кодирий, Чўлпон ва Абдулла Алавий билан якин дўст эканлигини биринчи кўрганимдаёқ хис этган эдим. У суҳбатдош дўстлари доирасида катта обрўга эга эди. Ўзбек, умуман турк ва форс адабиёти тарихи ва назарияси билимдони экани гурунглариимизда билинар эди. Элбек кочирма, киноялар билан сўзлашганда, кайси сўзнинг кандай талаффуз килинишига ахамият берар, бунинг устига суҳбат чоғларида содда тилда гапиришни ёқтирар эди. Элбекнинг билимдонлигига Кодирий хам, Чўлпон хам тан берарди. Шоир Элбек турк ва форс адабиёти ва назариясини пухта билган алломаларимиз — Фитрат ва Абдулла Алавий каби олим хам эди. Мен 1930 йили Элбек билан иккинчи марта хам Абдулла Кодирийникида кўришдим. Бу сафар у мен билан узок суҳбатлашгач:

— Сени отангни танийман, отанг Бедил шеъриятига муккасидан кетган шинаванда эди, мана сен билан дўст бўлиб колдик. Хўп десанг, хафта сайин кўришиб, суҳбатлашиб турамиз, сен менга адабиёту тарихга доир ечими мушкулрок саволлар берасан, мен баҳоли кудрат жавоб бераман. Навоий бобомиз айтмишлар: «Билмаганини сўраб ўрганган

олим, орланиб сўрамаган ўзига золим». Ана шунда кишининг фикрлаш туйғуси камолга ета боради. Вақти билан ўзим ҳам саволлар ёзиб бераман, жавобини топишда эса қайси китобдан фойдаланишингни айтаман, — деди.

Биз келишиб олдик.

Абдулла Кодирий кишиларга хайрли иш қилсалар, ўша одамга сездирмас ва миннат қилмас эдилар. Менимча, у зот Элбекдан менга маънавий ёрдам кўрсатишни илтимос қилган бўлсалар керак. Буни Элбекнинг мени ўзига яқин олғалигидан ва гап-сўзларидан сезардим. Шундай қилиб, мен Элбекдан бир йил чамаси сабоқ олдим.

Элбек, айникса аруз вазнининг билимдони эди. Хатто Чўлпон ҳам аруз вазнида ёзган байтларини унга ўқиб бериб, фикрини сўрар эди. Элбекнинг машқ дафтаридаги шеърларининг аксарияти аруз вазнида ёзилган бўлар эди. Мен Элбекка:

— Нега аруз вазнида кўпроқ шеър ёзасиз? Барибир буларни матбуотда чоп этмайдилар, — дедим,

— Кўябер, яхши ният ярим мол дейдилар-ку, — деб жавоб берди у киши. Элбекнинг кўп хусусиятлари Чўлпонга ўхшаб кетарди, шу боисдан бўлса керак, уларнинг орасидан қил ҳам ўтмасди,

1936 йилнинг август ойлари эди. Чамаси Элбек Хумсондаги дала ховлисига Гулом Зафарий, Абдулла Кодирий, Чўлпон, Ойбек, Гафур Гулом, Абдулла Каххор, Хамид Олимжон, Уйгун, Берекин ва Гайратийларни зиёфатга таклиф этиб, мени Усмон Носирга тайинлаган экан. Ўша куни Усмон Носирнинг бетоблиги хуружга миниб, ўзи ҳам боролмаган ва менга ҳам айтмаган экан, бундан хабарим бўлмаганидан Элбекка гинахонлик қилиб, қуйидаги шеърни ёзиб юборган эдим:

Мени бир бенаво дўст бор эди, деб йўкламайсиз-ку,

Гарибу бекасу афкор эди, деб йўкламайсиз-ку.

Сиза дўст бўлганимга неча йиллар бўлди дарвоқе,

Дилида севгиси бисёр эди, деб йўкламайсиз-ку.

Азалдан қисматим ушшоқ элига бўлди ҳамдардлик,

Жунун водийсида чин ёр эди, деб йўкламайсиз-ку.

Йигилгач ахли ашъор, дўстларингиз анжуманларга,

Иним ҳам толиб ашъор эди, деб йўкламайсиз-ку.

Афандим! Сиз бу Мəксудийга устоз, элга Элбексиз,

Элатлар базмига хуммор эди, деб йўкламайсиз-ку.

Орадан беш-олти кун ўтгач, Элбек билан учрашдик. У киши менга:

— Мендан ноўрин гинахонлик қилибсан. Мен сен билан Усмонни зориқиб кутдим.

Мехмонларни бошқариш ўзимга қолди. Жуда қийналдим. Ха, майли, шу бахона билан тузуккина шеър дунё юзини кўрибди,— деди.

Элбекнинг зиёфатига Абдулла Кодирий ҳам бормаган экан, мен у кишидан сабабини сўраганимда: «Мехмонлар орасида жинимга ёқмайдирган одамлар бор экан, шунинг учун бормадим», деб Навоийнинг:

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,

Мени истар кишини суҳбатин кўнглим писанд этмас,—

деган шеърини ўқиди.

Элбек содда, камтарин, ёшларга меҳрибон мураббий эди. Ўзи ростгўй бўлганидан ҳаммага ишонар эди. Кейинчалик ўзига дўст деб билган айрим «дўстллари душман бўлиб

чикди.

Ана шундай кимсаларнинг тухмат, таъна ва дашномлари Элбекнинг азиз бошига бало бўлиб ёгилди. Элбек шахид бўлди.

Усмон Носир билан тезда якин дўст бўлиб колдик. Кибрайдаги дала ховлиларда бир неча кун дам олиб кайтганимизнинг эртасиёк Усмон Носир мени йўқлаб, уйимизга кириб келди. Хол-ахвол сўрашгач:

— Сен Навоий, Фузулий шеърияти билан якиндан танишсан, иложи бўлса, уларнинг ижодлари хакида менга ёрдам берсанг, — деб колди.

— Сен нима деяпсан? Ўзимга энг бўлмаган, кандай килиб сенга бўй бўламан? У ёгини суриштирсанг, уларни баъзи бир шеърларига умуман, тушунмайман, агар бунга жиддий киришган бўлсанг, сени бир олим-фузало киши билан таништираман, у аллома сенга Навоий, Фузулий, Бедил, умуман, шарк адабиётидан сабоқ берадилар. Сенга умр бўйи рахнамолик килиш хам кўлларидан келади, — дедим.

Усмон жуда хам севиниб, шошилиб колди ва ўша захотиёк иккимиз, арабшунос олим Нодирхон махсум хузурларига йўл олдик.

Нодирхон махсум бизни очик юз билан кутиб олдилар ва Усмонни у кишига таништирдим.

Дастурхон тайёрлаш учун куйманаётган Нодирхон махсумнинг рафикалари — кариндошим Лутфихон аяга карашиб турдим, бироз вақт ўтиб, уларнинг хузурларига келсам, Усмон Носир Нодирхон махсум билан кадрдон дўстлар каби сухбатлашиб ўтирган экан. Шу ўринда яна бир нарсани эслаш жоиз кўринади. Усмон Носир хуш табиатли, кишиларга меҳрибон, муомалани ўз ўрнига кўя биладиган, хатти-харакатлари ўта ёқимли, сухбати хар кандай кишини ўзига ром килар эди. Мен Усмон Носирнинг илтимоси ва максadini Нодирхон махсумга айтган эдим, у киши холисанилло ёрдам беришларини билдирдилар ва машгулот вақтларини белгилаб кайтдик. Орадан ўн-ўн беш кун ўтгач, Усмон Носир менга:

— Дўстим, Нодирхон махсум жаноби олийлари билан таништириб, менга битмас-туганмас хазина бахш этибсан, бу хайрли ишинг учун сендан умрбод миннатдорман, — деди-да, кўшиб кўйди: — Нодирхон махсумнинг Чўлпонга ўхшаш яна бир фазилатлари, камчилигингни шартта бетингга айтиб, кўзингга караб тураверар эканлар.

— Бўлмаса, сенга улар лаганбардорлик килишлари керакми? — деб жўрттага унинг гашига тегдим.

У астойдил куйиб-пишиб:

— Хой эсипаст! Мен уларнинг бу фазилатларини сенга мактаб, ардоқлаб айтаётибман, — деди.

— Авваллари-чи?

— Авваллари, хархолда, тўрт мучанг тўкис эмас эди.

— Тўгри айтдинг, — дея у бор овози билан хохолаб кулиб юборди. Мен, Ўсмон Носирга:

— Нодирхон махсумнинг илмидан Абдулла Кодирий, Чўлпон, Ойбек каби каламкашлар бахраманд бўлишган. Сен у зоти шарифнинг этакларини махкам тут, — дедим.

— Нималар деб валдираяпсан? Мен у зоти шарифнинг этакларини кўйиб юборадиган анойилардан эмасман, — деб хазил килди.

Кўп ўтмай, мен ўкишимни давом эттириш учун Москвага кетдим. Шундан сўнг бир-биримиз билан дийдор кўриш бахтига муяссар бўла олмадик.

1938 йил ёз ойида Нодирхон махсумни зиёрат килгани уйларига бордим. Хол-ахвол

сўрашгач, мен Усмон Носир хакида сўз юритмокчи бўлиб эдим, Нодирхон махсум унинг номини эшитишлари биланок кўзларидан шашкатор ёш окди. Сассиз-садосиз йиглашиб олганимиздан сўнг, Нодирхон махсум: «Усмон Носир ўз фарзандим каби менга якин, гамхўр бўлиб колган эди. Бу шўрлик бошимга кандай огир кунлар тушди-я, дея афсус-надоматлар билан гап бошладилар. Навоий ва Фузулий ижодларидан беҳабар бирор кишига унинг таъриф ва тавсифларини баён килсам, муболага кияпти, дея шубхаланиши мумкин. Сенга Усмон Носирнинг ноёб кобилиятини, зўр иктидорини, англаш ва фикрлаш салохиятини билганинг учун гапирганим билан ажабланмайсан», деб бир воқеани айтиб бердилар.

— Бир куни Усмон Носирга Навоий ва Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» асарини ўқиб, уларнинг ижодларини таккослаб, бу улуг алломалар тўғрисида мулоҳазалар юритишини топширдим ва бунинг учун ўн кун мухлат бердим. Орадан роппа-роса икки кун ўтгач, Усмон олдимга ранги синиккан холда келиб, менга таъзим бажо келтирди (хар гал кўришганларида тизза тушиб, бош эгиб саломлашар экан). Ўзи гап бошлади: «Мен «Лайли ва Мажнун» билан кўшилиб, коришиб кетдим, воқеалар тушимда хам, ўнгимда хам, бир дакика халоват бермаяпти», деди.

Усмон Носир алломаларнинг шох асарларини шундайин синчковлик билан мутолаа килибдики, бу асарлардаги аксари сатрлар уйга ёд бўлиб қолибди, ажабо! Усмон Носир хар иккала асарнинг алохида-алохида кимматга сазовор эканини таъкидлаб, Абдулла Алавийнинг «Навоий мавж ўрган денгиз бўлса, Фузулий жўшқин шалола», деган юксак баҳосини мамнуният билан тилга олди. Ўша вақтларда Усмон Носир аруз вазнида шеърлар ёзишга унча-мунча киришган эди. Навоий ва Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун»идаги биттадан шеърига мухаммас ёзиб хам улгурибди. Маълумки, хар кандай шоиру санъаткорларнинг асарларига кўнгилдагидек мухаммас яратолмайди. Аммо Усмон Носирнинг мухаммаси анча яхши, узукка кўз солгандек. Мен, Усмон Носирга ўхшаш хотираси зўр, шеъриятнинг нозик нукталарига тез ва тўғри тушунадиган бирорта кишини учратган эмасман. Унга олти-етти ойча Навоий, Фузулий, умуман Шарк адабиётидан сабоқ бердим. Сўнг Усмон Бедилни ўрганмокчи бўлди. Бир галги машгулотимиз давомида Чўлпон ижоди хакида хам фикрлашдик. Кўлимизда Чўлпоннинг бирорта хам асари йўқ эди, бироқ Усмон Носир, Чўлпоннинг шеърларини ёддан билар экан, ўқиди. Хар икковимиз хам Чўлпоннинг ноёб кобилиятига тасаннолар ўқидик. Усмон: «Чўлпонга меҳрим-мухаббатим ва ихлосим бенихоё. У кишининг асарлари фикримни чархлайди, ижодимга раванк тилайди. Ха, Чўлпон шундайин ок кўнгилли ажойиб инсон», деди. ...Бедил ижоди билан шугулланмокчи бўлиб, ахдлашдик. Орадан ўн беш-йигирма кун ўтгач, каттакон тугун кўтариб Усмон Носир эшикдан кириб келди. Мен унга тугунни ишора қилиб: «Тўйга кетаяпсанми?» деб хазиллашдим. «Ха, тўйга арзимас тўёна билан келдим», — деб тугунни еча бошлади, унда Хитой жужунидан тикилган яктак, чопон, пешмат, нимча, шим, амиркон махси, ковуш, шохи салла, тагдўзи дўппи, шохи белбоғ, жойнамоз—гиламча, кўзгу, каламтарош, атир ва хоказолар бор экан, унинг раъйини кайтаролмай олдим. Саруполарни ўзининг тўйида кийиб бораман, деб ниёт қилган эдим, у хам бўлмади. Шу вақтгача бу совгаларнинг бирортасини ишлатмадим, сандикда сакладим. Уларни кўришга токатим дош бермади.

Мен, Нодирхон махсум билан сўнги вақтларда хам кўп мулоқотда бўлдим ва хар галги мулоқотдан сўнг, Нодирхон махсум Абдулла Кодирий, Чўлпон ва Усмон Носирнинг руҳи-покларига бағишлаб Куръон тиловат қилар эдилар. Илоё, уларнинг охирати обод бўлсин!

Юнус Максудий